

Ва Унинг Ўзи ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир

06:11 / 16.11.2018 2264

Аллоҳ таоло Жума сурасида шундай марҳамат қилади:

الْحَكِيمُ الْعَزِيزُ وَهُوَ يَلْحَقُ الْمَأْمَنَةَ وَءَاخِرِينَ ﴿٣﴾

“Ва улардан ҳали уларга қўшилмаган бошқаларга ҳам. Ва Унинг Ўзи ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир” (3-оят)

«Бошқаларга» деганда араблардан бошқалар назарда тутиляпти. Оят нозил бўлган пайтда бошқа халқлар ҳали Пайғамбар уммати сафига қўшилмаган, чунки уларга Ислом даъвати етиб бормаган эди. Улар келажакда қўшилишади, деб башорат қилинмоқда. Бу ояти карима ҳам Қуръоннинг улкан мўъжизаларидан биридир. Бу ғойибнинг хабаридир. Ўша пайтда араблардан бошқа халқларнинг Исломга киришини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмасди.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ» номли китобларида ривоят қилган ҳадисда улкан саҳобий Абу Ҳурайра бундай дейдилар: «Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларида ўтирган эдик, Жумуъа сураси нозил бўлди. У сурада «Ва улардан ҳали уларга қўшилмаган бошқаларга ҳам» жумласи бор эди. Мен: «Улар ким, эй Расулуллоҳ?» деб уч марта сўрадим. Ичимизда Салмони Форсий ҳам бор эди. Расулуллоҳ алайҳиссалом қўлларини Салмони Форсийнинг елкаларига қўйдилар ва: «Агар иймон Сурайёда (Сурайё юлдузида) бўлса ҳам, мана булардан бўлган кишилар унга етадилар», - дедилар».

Ўша пайтда Осиё халқларидан фақат ҳазрати Салмони Форсийгина Исломга келган эдилар. Бу ояти кариманинг ва Набий алайҳиссаломнинг башоратлари юзага чиқди. Дунё халқлари тезда Исломни қабул этдилар ва унга улкан хизматларни қилдилар. Кўпгина илмларда ва ишларда араблардан ҳам ўзиб кетдилар.